

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ф.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВ АСЛИДДИН ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖРО ҲОКИМИЯТИДА БОШҚАРУВ
МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Султонов Аслиддин Фазлиддинович

Ўзбекистон ижро ҳокимиятида

бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари 3

Султонов Аслиддин Фазлиддинович

Процессы развития культуры управления

в исполнительной власти Узбекистана 23

Sultonov Asliddin Fazliddinovich

The processes of development of administrative culture

in the executive power of Uzbekistan 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Ф.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТОНОВ АСЛИДДИН ФАЗЛИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ИЖРО ҲОКИМИЯТИДА БОШҚАРУВ
МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fal26 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Отамуратов Садулла фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Абилов Ўрол Муродович фалсафа фанлари доктори, профессор Қорабоев Усмон Ҳосилович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котибаси, ф.ф.д.

М.А.Нурматова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кўплаб давлатлар сиёсий ҳокимиятида миллий ва умуминсоний кадриятлар ўзаро уйғун амал қилиши натижасида глобал барқарорлик ва тараққиётга эришиб келинмоқда. Бироқ айрим мамлакатларнинг давлат бошқарувида маданият омили етарлича намоён бўлмаётгани туфайли уларда мавжуд сиёсий ҳокимиятга қарши турли «ранг» ва «фасл»даги деструктив ҳаракатлар вужудга келиб, бу бошқа халқлар ва давлатларнинг барқарорлиги ҳамда тараққиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мазкур ҳолат давлат ҳокимияти ва бошқарувида маданиятнинг реал ва потенциал, объектив ва субъектив имкониятларидан самарали фойдаланишга, бошқарувни маданийлаштириш муаммоларини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни оширмоқда.

Жаҳонда бошқарув маданиятининг асосий кўрсаткичи демократик кадриятларга, хусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш, ҳокимият тармоқларининг бир-биридан мустақил фаолият юритишига эришиш ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини рўёбга чиқариш ҳисобланади. Ҳар бир мамлакат бу борада ўзига хос чора-тадбирлар технологияси ва механизмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда бошқарув маданиятининг намоён бўлиши, даражалари, мезонлари, шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон бугунги кунда давлат бошқарувини маданий демократик кадриятлар асосида такомиллаштиришга жиддий киришган. Хусусан, «Бизнинг мақсадимиз – юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат»¹. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг бешта устувор йўналишларидан бири «Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш»² этиб белгиланганлиги бошқарув маданиятини амалда рўёбга чиқариш билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги ЎРҚ-369-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги, 2014 йил 25 сентябрдаги ЎРҚ-376-сон «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 9 декабрдаги ЎРҚ-395-сон «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 20 сентябрь

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон «Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамят, маънавий-маърифий, маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти асарлари³, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидаги⁴ сиёсий соҳани такомиллаштириш, бошқарув маданиятини демократик кадриятларга мувофиқ юксалтириш ва кадрлар сиёсатининг бошқа қатор масалалари борасидаги концептуал янги ғоялар мазкур тадқиқотга сиёсий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Конфуций, Афлотун, Арасту, Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк, Амир Темур, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби мутафаккирларнинг асарларида давлат хизмати кадрларининг маданияти, бошқарувда талаб этиладиган шахсий сифат ва фазилатларига доир қимматли сиёсий-фалсафий мулоҳазалар илгари сурилган бўлиб, ҳозирги бошқарув маданиятини ўрганишда муҳим назарий манба вазифасини бажаради.

Мамлакатимизда раҳбар кадрларнинг бошқарув маданияти шаклланиши ва ривожига жараёнларига оид илмий сиёсий ва ҳуқуқий-ташқилий масалалар А.Азизхўжаев, А.Бегматов, М.Қуронов, А.Холбеков, С.Жўраев, А.Жалилов, О.Ҳусанов, Ш.Эргашев, С.Юсупов, И.Хамедов, Э.Ҳожиёвларнинг ишларида ўз ифодасини топган. А.Жалолов, С.Отамуратов, А.Қодиров, Р.Жумаев, Т.Жўраев, Н.Жўраев, С.А.Чориев каби олимларимиз масалани сиёсий-фалсафий нуқтаи назардан, А.Файзуллаев, А.Болиев, М.Бекмуродов, Қ.Назаров, И.Эргашев, Т.Алимардонов, И.Саифназаров, С.Турсунов, Н.Боймуродов, Р.Рўзметов каби олимлар сиёсий маънавий, ахлоқий, ғоявий ва психологик жиҳатдан ёритган бўлсалар, сиёсий тажрибавий масалалари Ф.Равшановнинг асарларида ўз аксини топган. Фанда иқтисодий нуқтаи назардан давлат хизмати персоналини бошқариш масаласи академик

³ Каримов И.А. Асарлар тўплами. Том. 1-23. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996-2015.

⁴ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

Қ.Х.Абдурахмонов раҳбарлигида бир гуруҳ олимлар ҳамда Ш.Р.Холмўминов томонидан ўрганилган.

Мавзумиз доирасида Т.Алимардонов, Қ.Қуранбоев, Ф.Равшанов, О.Иброҳимов, Ҳ.Ахмедов, И.Машарипов, Ҳ.Жўрақобиловалар томонидан амалга оширилган давлат ҳокимияти органлари ва кадрлари профессионал маданиятининг сиёсий масалаларига бағишланган диссертацион тадқиқотлари алоҳида эътиборга молик.

Хорижлик олимлардан кўпчиликнинг илмий асарларида бошқарув маданиятининг субъектив масалалари (К.М.Хендерсон, О.П.Двivedи, М.Печарич, М.Хелал Уддин, Р.Дангал, В.К.Пейк, Н.В.Лизина, П.В.Милютин, Н.А.Бондаренко, Ф.Мамедов ва б.), айримларида эса институционал намоён бўлиш хусусиятлари (В.Вильсон, М.Вебер, Г.Алмонд, С.Верба, М.Сини, Г.Хофстед ва б.) ўрганилади*.

Аммо юқоридаги тадқиқотларга қарамай, Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнлари сиёсий-фалсафий жиҳатдан яхлит тадқиқ этилмаган. Мамлакатимиздаги мавжуд илмий тадқиқотлар ҳам тарқоқ ҳолда қолиб келмоқда, уларни муайян тизимга солишга эҳтиёж мавжуд. Амалиётда айрим муаммолар сақланиб қолаётгани ҳам кўрсатадики, мазкур масалага тизимли ёндашувнинг етишмагани туфайли муаммоларнинг ўзак сабаби бартараф этилмай қолмоқда. Мавжуд умумметодологик масалалар илмий ёндашувларда ўз ифодасини тўла топмаётгани, шу асосда бошқарув маданиятининг мазмун-моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари тизимли ўрганилмаганини таъкидлаш жоиз.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё халқлари маънавий, маданий, диний қадриятлари ва ҳозирги замон» мавзуси ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг «Сиёсат фалсафасининг долзарб масалалари» мавзуси билан боғлиқликда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиш тенденцияларини очиб бериш асосида давлат бошқаруви самарадорлигини оширишнинг омилларини аниқлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«бошқарув маданияти» категориясининг сиёсий-фалсафий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш;

Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг инъикоси хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда бошқарув маданиятининг субстанцион асосларини шакллантириш тизими хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда бу жараённинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

* Мазкур олимларнинг ишлари Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистон ижро ҳокимияти кадрлари бошқарув салоҳиятининг асосий мезонларини аниқлаш ва тизимга солиш;

бошқарув маданияти асосини мустаҳкамлашда давлат хизмати кадрлар сиёсатининг ўрнини очиб бериш;

тадқиқот натижалари асосида илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимиятида бошқарув маданияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиши хусусиятлари ва омилларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Мавзуни ёритишда сиёсий-методологик манбалар, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, социологик сўровнома, таълим дастурлари ва оммавий ахборот материаллари мазмунига таянилади. Уларни таҳлил этишда эса диалектик ва комплекс ёндашув, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, тузилмавий-функционал, тизимли ва қиёсий таҳлил, сўровнома каби методлардан фойдаланилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда қўринад:

тузилмавий-функционал тамойил асосида бошқарув маданиятининг элементлари (потенциал, сиёсий, технологик) ўртасидаги детерминистик алоқадорликнинг раҳбарлик фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишдаги ўрни, бошқарув маънавиятининг шаклланиши ва маданиятининг ривожланиши омиллари очиб берилган;

ижро ҳокимиятида инсон омилини фаоллаштиришнинг демократик асослари ва бошқарув маданиятини юксалтиришнинг демократик моделини тизимлаштириш тўғрисидаги илмий хулосалар ишлаб чиқилган;

бошқарув маданиятининг шарқона ва ғарбона ёндашувларини Ўзбекистон шароитида уйғунлаштириш механизмлари фалсафий асосланган;

Ўзбекистон ижро ҳокимиятидаги ва давлат хизматида кадрлар тайёрлаш тизимидаги ислохотлар тенденцияси, қиёсий таҳлили ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровнома хулосалари асосида жамият бошқарув салоҳиятини мустаҳкамлаш назарияси (алгоритмик) ва тамойиллари (индивидуаллик, тузилмавий функционализм, инновацион ва комплекс мувозанат, таълим-тарбия уйғунлиги, узлуксизлик, номарказлашув) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятини юксалтириш омилларидан фойдаланиш механизмлари очиб берилган;

Ўзбекистонда давлат бошқаруви самарадорлигини янада оширишда бошқарув маданияти имкониятларидан фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, маҳаллий давлат ҳокимияти кадрлари орасида ўтказилган

социологик сўровномалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнларини тадқиқ этиш асосида олинган натижалардан ушбу йўналишдаги назарий-илмий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда бошқарув маданиятининг сиёсий-фалсафий жиҳатини оширишга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ижро ҳокимиятида бошқарув маданиятининг ривожланиш жараёнларига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

тузилмавий-функционал тамойил асосида очиб берилган бошқарув маданиятининг элементлари (потенциал, сиёсий, технологик) ўртасидаги детерминистик алоқадорликнинг раҳбарлик фаолияти сифати ва самарадорлигини оширишдаги ўрни, бошқарув маънавиятининг шаклланиши ва маданиятининг ривожланиши омиллари ҳамда ижро ҳокимиятида инсон омилини фаоллаштиришнинг демократик асослари ва бошқарув маданиятини юксалтиришнинг демократик моделини тизимлаштиришга оид илмий хулоса ва таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг назарий-методологик масалалари» номли ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг 2018 йил 17 мартдаги 501-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши давлат ҳокимиятида бошқарув маънавияти асосларини мустаҳкамлаш ва маданиятини юксалтиришнинг назарий-методологик жиҳатларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан туман, вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилган «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тамойиллари» мавзуидаги очик мулоқотида фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2018 йил 11 январдаги 14/19-сон маълумотномаси). Илмий таклифларнинг амалиётга жорий қилиниши фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги, саводхонлиги ва маданиятини оширишга, ижро ҳокимиятида фуқаролик жамияти институтлари ва аҳоли мурожаатлари билан ишлаш принципларини бизнес тузилмалари билан ўзаро боғлашга хизмат қилган.

бошқарув маданиятининг шарқона ва ғарбона ёндашувларини Ўзбекистон шароитида уйғунлаштириш механизмларига оид таклиф-тавсияларидан 2015-2017 йилларда Ўзбекистон Миллий университетида

бажарилган А-1-85+(1-159) «Таълимда менежмент ва маркетингнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини ишлаб чиқиш ва миллий маданиятни умуминсоний маданият билан уйғунлаштиришга оид услубий қўлланма тайёрлаш» мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида 2017 йилда чоп этилган «Техноген цивилизация шароитида миллий маданиятни ривожлантириш ва умуминсоний маданият билан уйғунлаштириш» номли услубий қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89/03-993-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётга жорий қилиниши бошқарув фаолиятида миллий ва умуминсоний кадриятлар уйғунлигига таянувчи профессионал маданият ривожини таъминлашнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

жамият бошқарув салоҳиятини мустаҳкамлаш назарияси (алгоритмик) ва тамойиллари (индивидуаллик, тузилмавий функционализм, инновацион ва комплекс мувозанат, таълим-тарбия уйғунлиги, узлуксизлик, номарказлашув)га оид тақлиф-тавсиялардан Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан И-2015-1-4 рақамли «Ўзбекистонда маънавий-маърифий сиёсатнинг тадрижий ривожланиши ва такомиллаштириш истиқболлари» мавзуидаги илмий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг 2017 йил 10 февралдаги 48-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифларнинг амалиётда қўлланиши мамлакатимиз бошқарув салоҳиятини юксалтириш ишига хизмат қилган;

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзусидаги тадбирларда (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 8 январдаги 02/09-21-18-сон маълумотномаси) фойдаланилган. Илмий тақлифларнинг амалиётда жорий этилиши давлат хизматчилари ва ёшларнинг сиёсий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига, ватанпарварлик ва дахлдорлик туйғуларни мустаҳкамланишига хизмат қилган.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан «Ёшлар – келажак бунёдкори» шиори остидаги уюшмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика тадбирининг ўтказилиши ва хулосаларини шакллантиришда, «Аниқ мақсадли йўналишларда кадрлар тайёрлаш давр талаби», «Ҳоким ва ёшлар» мавзуларида ўтказилган очиқ мулоқотларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг 2018 йил 10 январдаги 04-13/119-сон маълумотномаси). Ушбу тақлифларнинг амалиётда жорий этилиши уюшмаган ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва касб-хунарга йўналтириш тизимини такомиллаштиришга, аниқ мақсадли йўналишларда ёшларни бошқарувга тайёрлашнинг тегишли йўналишларини белгилаб олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та илмий-амалий анжуманда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бошқарув маданиятини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «бошқарув маданияти» тушунчасининг тузилмавий таҳлили, давлат ҳокимиятида бошқарув маданияти тўғрисидаги сиёсий-фалсафий қарашлар тадқиқ этилган.

Бошқарув маданияти такомиллашувини ўрганишда унинг тузилишига, таркибий элементларнинг функционал хусусиятларига эътибор бериш муҳим. Тузилмавий ёндашувга биноан, Ғарб ва Осиё олимлари, асосан, шахснинг бошқарув салоҳиятига ва айрим ҳолларда сиёсий омилга (Дживеди, Печарич) урғу берган бўлсалар, МДХдаги файласуф ва сиёсатшунос олимлар, шунингдек технологик (методологик) унсурни ҳам бошқарув маданиятининг асосий элементи сифатида қарайдилар. Ўзбекистон олимлари (И.Худойбердиев, И.Махмудов) ҳам масалага салоҳиятли ва технологик ёндашувлар асосида ёндашадилар. Аслида, «бошқарув маданияти» фаолият самарадорлигини таъминловчи бир неча элементлардан иборат бўлган сиёсий-фалсафий категория ҳисобланади. Бошқарув субъектларининг ўз фаолиятида таянувчи ғоя ва қадриятлари тизими (сиёсий аксиологик), қўллайдиган усул ва воситалар мажмуи (технологик), бошқарув салоҳияти бошқарув маданиятининг мазмунини ифода этса, фаолият натижасида қўлга киритилган бойликларнинг характери унинг моҳиятини акс эттиради.

Бошқарув аксиологияси умумий мақсад ва манфаатларни акс эттириб, бошқарув маданиятининг руҳини, йўналиши ва характерини ифода этади (аслида, бу сиёсат бўлиб, бошқарув характери шунга боғлиқ). Бошқарув технологияси эса унинг реал намоён бўлиши сифатида фаолиятни ақлга мувофиқ ташкил этишга асосланади. Мақсад-қадриятлар ва амалдаги чоратadbирлар орасида номутаносиблик кузатиладиган бўлса, бошқарув фаолияти

самарадорлигига путур этади. Мазкур ҳолат бошқарув технологияларининг бошқарув маданияти таркибидаги ўрни ва роли катта эканини кўрсатади. Айни пайтда, бошқарув салоҳияти ва технологияси ўзаро уйғун бўлиб, қўлга киритилган натижалар бошқарув кадриятлари (сиёсат) кутгандек бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли, бошқарув маданияти мазкур элементларнинг ўзаро мутаносиб амал қилишида мавжуд бўлади, унинг ривожини ҳам ушбу таркибий элементларнинг ўзаро муносабатига боғлиқдир.

Ҳар қандай бошқарув маданиятининг тузилмасидаги элементлар орасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани охириги бўлиб, бусиз ҳеч қандай фаолиятни амалга ошириб бўлмайди. Демак, бошқарув маданиятининг ривожини бошқарув салоҳиятини шакллантириш ва юксалтириб бориш асосида амалга ошсагина, кутилган натижани беради.

Бошқарувнинг хусусий кўринишларидан бири бўлган «давлат бошқаруви»нинг ўзи ҳам турли давлат ҳокимияти органларида ўзига хос хусусиятларга эга. Шунга кўра, давлат бошқарувида сиёсий ва маъмурий бошқарув функцияларини ажратиш анъанаси вужудга келган бўлиб, бу тегишли институтлар чегарасини теранроқ англашга ёрдам беради. Масалан, сиёсий бошқарув давлат бошқарув фаолиятининг бир жиҳати, холос. Аслида, унинг намоён бўлиши инсон табиатидаги салбий хусусиятлар мавжудлиги туфайли бўлиб, у доимий эҳтиёж бўлиб қолаверади. Жамиятнинг нисбатан маънавий соғломлиги унинг камроқ кўринишига асос бўлади. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам маъмурий-ташкилий бошқарув сақланиб қолади. Чунки, давлат бошқаруви ижтимоий тизим тараққиётини кўзлаб ҳам фаолият юритади. Шу маънода, бошқарув маданияти сиёсий бошқарув маданияти, маъмурий-ташкилий бошқарув маданияти, корпоратив-ташкилий бошқарув ва персонални бошқариш маданиятларини ўз ичига олади. Бунда сиёсий бошқарув маданияти ўз мазмунига кўра, бошқарувнинг аксиологик жиҳатини қамраб олса, маъмурий ва корпоратив бошқарув маданияти унинг технологик жиҳатларини ифода этади. Унинг сиёсат ва сиёсий кадриятлардан холи бўлиши тўғрисидаги қарашларга қўшилиш – ижро ҳокимиятида «робот-бошқарувчи»лар фаолият олиб боришини назарда тутати. Бунинг мақсадга номувофиқлигини бошқарувнинг умумий ички тузилмасидаги мақсад-кадриятлар ҳам борлиги тасдиқлайди ва бу ижро ҳокимиятининг сиёсий мақсадларга эришиш йўлида маъмурий воситаларни ишга солиш функциясида намоён бўлади. Давлат бошқарувида сиёсат ҳам, маъмурий бошқарув ҳам мазмунан ва шаклан маданий ҳодиса бўлгани ҳолда, уларнинг моҳиятан (том маънода) маданий ҳодиса даражасига кўтарилиши кўпроқ аҳамиятлидир.

Сиёсий-фалсафий қарашлар таҳлили шуни кўрсатадики, Шарқнинг кўпчилиги олимлари (Конфуций, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий) ўз фикрларини бошқарувнинг мақсад-кадриятлари, асосий вазифалари ва ахлоқий асосларига нисбатан идеал нуқтаи назардан қараб, кўпроқ тавсиявий мулоҳазаларни олға сурадилар.

Албатта, масалага реал ёндашган, олдида қўйилган долзарб сиёсий мақсад ва манфаатларни рўёбга чиқариш учун мавжуд табиий ижтимоий

шарт-шароитдан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқларини тушунтириб берган реалист мутафаккирлар ҳам бўлган (Низомулмулк ва Амир Темур). Нисбатан таҳлилий манбалар қаторида эса мумтоз мутафаккирлар Платон, Аристотель, Форобий, Беруний асарларини келтириш жоизки, уларда нафақат мақсадга мувофиқ мақсад ва вазифалар, шунингдек, бошқарувнинг технологик масалалари, инсоний салоҳият ҳамда уларнинг рўёбга чиқиш қонуният ва омиллари очиб берилади. Бу манбалар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, аксинча, бугунги замон бошқарув маданиятини ривожлантириш ишларини ташкил этишда муҳим ғоявий асос вазифасини бажаради.

Афсуски, юқоридаги манбаларда бошқарув маданиятининг барча жиҳатлари ҳақида ҳар қанча идеал ва реал, таҳлилий ва тавсиявий характердаги мулоҳазалар илгари сурилган бўлмасин, кейинги даврда, айниқса, Темурийлар давридан сўнгги Мовароуннаҳр ва Туркистон давлатчилигида булар унутиб қолдирилди. Оддийгина бошқарувнинг мақсад-қадриятларини аниқлашда бир қадар зиддиятли ҳолатлар намоён бўлди. Сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт диалектикасини англаб етиш қийин аҳволга тушиб қолди. Унинг асосий вазифаларини бажариш, аҳоли ва кадрлар корпусига нисбатан муносабат ва принципларнинг маънавийлиги, бошқарув салоҳияти ва унинг шаклланишига тизимли эътибор тор уруғ-аймоқчилик манфаатлари – ҳокимиятга эришиш ва легитимликни таъминлаш соясида қолиб кетди. Ваҳоланки, кейинги даврда тарихий тараққиёт суръатлари билан ўсиб келаётган тафаккур маҳсулларини амалиётга жорий этишнинг институционал ва математик моделларини, илмий дастурларини ишлаб чиқиб, шу асосда бошқарувни янада такомиллаштириш – маданийлаштириш вазифаси турар эди. Ушбу долзарб вазифаларни бажариш ўрнига, асрлар давомида шаклланиб келган маънавий мерос ҳам эсдан чиққан бир даврда, назаримизда, улардан Ғарб унумли фойдаланишга киришди.

Бошқарув назарияси ва амалиётида тараққийпарвар файласуфлар (Н.Макиавелли, Т.Мор, Ж.Локк, Т.Гоббс, М.Ф.Вольтер, Монтескье, Жан Жак Руссо) томонидан илгари сурилган прогрессив таълимотлар асосида, Ғарб ҳанузгача назарий-методологик асослар, дастурларни ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Бугун Ғарбда бошқарув фаолиятини маданийлаштириш йўлида демократик йўлнинг нақадар тўғри эканлигини исботлаб бериш билан бирга, унинг маданий мезонлар асосида фаолият олиб боришини таъминлаш борасида ҳам катта тажриба шаклланган. Гарчи, бу мезонлар характерига кўра, юқоридаги мумтоз файласуфлар илгари сурган ғоялар билан ҳамоҳанг (яъни оригинал эмас) бўлса-да, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмларини яратиш ва ишлатиб кўплаб ютуқларга эришди ва эришиб келмоқда. Хусусан, бошқарув маданиятининг асосий мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида бугунги Ғарб мамлакатлари, асосан, АҚШлик маъмурий ҳуқуқ олими В.Вильсон (1856-1924), машҳур немис социологи М.Вебер (1864-1920) ҳамда таниқли нидерланд социологи Г.Хофстед (1928 й.) таълимотларига таяниб келди.

Айниқса, бошқарув маданиятининг характерини аниқлашга қаратилган мезоний концепциялар ичида Герт Хофстед томонидан 1984 йилда ишлаб чиқилган маданиятни баҳолашнинг умумий модели амалиётда кенг қўлланилмоқда. Унга кўра, ҳар қандай халқ, ташкилот ва ижтимоий институтнинг маданияти ҳокимият билан масофаси, индивидуаллик ёки жамоавийликка мойиллиги, ноаниқлик (риск)дан қочиш даражаси ҳамда жинсий белгиларига қараб баҳолалиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу ўрганилаётган субъектнинг умумий маданияти характери ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди⁵.

Ғарб мамлакатларида шакллантирилган илмий-назарий ва илмий-амалий концепциялар реалликни аниқлаб, кейинги устувор вазифаларни белгилаб олишда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу сабабли бугун кўплаб давлатлар замонавий фан, техника ва технологияни (жумладан, ижтимоий-сиёсий технологияларни) Ғарбдан ўзлаштиришига тўғри келмоқда. Ушбу тажрибадан унумли фойдаланган ҳолда ҳар бир халқ, мамлакат ўз фаолият мақсадлари, вазифалари, принцип ҳамда негизларини ўзига хос табиий ва ижтимоий-маданий хусусиятларига қараб белгилаши лозим. Бошқарув маданиятининг ички элементлари характерини баҳолашда ҳам ҳар бир давлат ва ташкилот ўз мезонларини ишлаб чиқиши ҳамда амалиётга изчил татбиқ этиб бориши мақсадга мувофиқдир.

«Ўзбекистон ижро ҳокимиятида демократик бошқарув маданиятининг шаклланиш хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобда давлат ҳокимияти ислоҳотлари ва бошқарув технологиясининг эволюцияси, бошқарув маданиятининг ривожиди кадрлар салоҳияти мезонларини белгилаб олиш асослари ўрганилади. Тузилмавий-функционал таҳлилга кўра, бошқарув салоҳиятининг умумий ва ижро ҳокимиятидаги хусусий мезонларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинади. Бунда амалдаги восита-кадрият ва асос-кадриятларнинг характери, уларнинг мақсад-кадриятларга қанчалик мослигига эътибор қаратилади.

Ижро ҳокимиятидаги ислоҳотлар мазмуни даврлаштириб қаралса, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти ғояларига кўра, давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар динамикаси 1991-2000, 2001-2010, 2011-х/вақтгача бўлган босқичларга ажратилади. Бошқарувда кўллаб келинаётган технологик усул ва воситалар «ўзбек модели»да назарда тутилган босқичма-босқичлик асосида рационал вазминлик билан изчил такомиллаштириб, тобора демократик мазмун касб этиб бормоқда.

Ижро ҳокимиятида ислоҳотлар мазмунан тузилмани такомиллаштириш, хусусан бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, давлат ва хўжалик бошқаруви чегараларини белгилаш, бошқарув ходимлари сонини оптималлаштириш; бошқарувни номарказлаштириш (эркинлаштириш, ваколатларни марказийдан маҳаллий ва ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказиш); фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва бизнес тузилмалари билан

⁵ Hofstede, G. The Cultural Relativity of the quality of life concept, 1984. / Academy of Management Review, 9. 389-398.

демократик мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, хусусан бошқарувни улар билан очиқлик, ахлоқийлик, ихтиёрийлик принципларига риоя қилган ҳолда амалга ошириш; давлат ҳокимияти органларининг ўзаро тийиб туриш механизмини такомиллаштириш каби йўналишларда амалга ошириб келинмоқда. Биринчи икки йўналишдаги ислохотлар халқнинг мақсадларига ҳамоҳанг равишда изчиллик билан амалга ошиб келмоқда. Бироқ кейинги икки йўналишдаги ислохотлар сезиларли муаммоларга дуч келмоқда. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти кадрлари орасида ўтказилган социологик сўровноманинг таҳлилидан маълум бўлдики, давлат ҳокимияти институтида шаффофлик, очиқлик, ахлоқийлик принциплари учун интилиш кузатилаётган бир пайтда, унда фаолият олиб бораётган кадрларда очиқликка интилиш паст бўлиб қолмоқда. Сўровнома исми-шарифи, лавозимини кўрсатиш талаб этилмаган аноним тарзда ўтказилганига қарамадан, «Мутахассислиги» сўралган саволга 52,3 фоиз респондентларнинг жавоб бермагани кадрларнинг ўзида очиқлик етишмаслигини кўрсатмоқда. Ёки «Давлат ҳокимияти тизимида бошқарувни амалга оширишда қайси кадрият муҳим, деб ҳисоблайсиз?» деган саволга 66,3% респондент «барқарорлик» дея жавоб берадики, бу ҳам «тараққиёт» деган жавоб (34,1%) билан солиштирганда, кадрларнинг кўпроқ консерватизмга мойиллигини намоён қилади. Демак, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлиги ва либераллиги субъектив омил очиқлиги ва либераллигига қараганда олдинда кетмоқда. Ушбу омилларни нафақат ўзаро уйғунлаштириш, балки улардан кейингисини олдинги сафга олиб ўтиш зарур бўлиб, бу бошқарув маданиятининг субстанцион асосига жиддий эътибор қаратишни тақозо қилади. Кадрларнинг консерватизмга мойил бўлиб қолаётгани бошқарув салоҳиятини ривожлантиришни ва умуман, буни амалда таъминловчи тизимни такомиллаштиришни тақозо этади.

Буни амалга оширишда, энг аввало, мамлакатимиз ижро ҳокимиятида кадрлар бошқарув салоҳиятининг мезонларини ишлаб чиқиш зарур бўлади. Мазкур вазифани эса, ушбу тизимдаги функциялари мазмунидан келиб чиқиб бажарилади. Умумий функционал таҳлилга кўра, бошқарув маданиятининг ўзагини ташкил этадиган бошқарув салоҳияти – шахснинг бошқарув функцияларини муваффақиятли бажаришини таъминловчи аниқ ички сифатларини назарда тутиб, стратегик ва тизимли таҳлил, юксак ҳуқуқий маданият, одиллик, ғурур-ифтихор ва ирода кучи, тизим эҳтиёжини билиш, нутқ маданияти, маънавий-руҳий таъсирга эга бўлиш, прагматик фаоллик, дипломатик маданият, вазминлик, изчил позиция, узлуксиз диққат, зехн-идрокни камраб олади. Бу касбий сифатлар ижро ҳокимиятида бошқарув салоҳиятининг асосий мезонларини ишлаб чиқишда ресурс сифатида катта ўрин тутди. Ушбу бошқарувнинг умумий функциялари (унинг сифатлари мажмуи билан бирга) ва ижро ҳокимиятининг асосий вазифалари таҳлили негизида қуйидаги синтетик хулоса вужудга келади. Унга кўра, Ўзбекистон шароитида ижро ҳокимияти кадрлари бошқарув салоҳиятининг асосий мезонларини қуйидагилар ташкил этади:

- кўриладиган чора-тадбирларни стратегик мақсадларга йўналтира билиш учун, аввало, барча соҳалардаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш;

- ўзи масъул бўлган тизим ёки жамоанинг фаолияти асосларини ташкил этувчи мавжуд ресурслар аҳволи ва имкониятидан хабардор бўлиш;

- информацион-таҳлилий мушоҳадага эга бўлиш;

- жамият эҳтиёжларини билиш;

- эҳтиёжларни қондиришнинг қандай чора-тадбирларини кўриш зарурлигини билиш;

- мавжуд барча ресурсларни оқилона сафарбар этишга бўлган қобилият ва имкониятларга эгаллик.

Бизнингча, бошқарув салоҳиятига оид замонавий назарий ишланма охирига етказилмагани туфайли амалиётда субъектив омил билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолмоқда.

Диссертациянинг «**Демократик бошқарув маданиятини янада ривожлантириш модели**» деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда раҳбар кадрлар тайёрлаш тизими ва уни такомиллаштириш назарияси, бошқарув салоҳиятини мустаҳкамлашда давлат хизмати кадрлар сиёсатининг ўрни ўрганилади. Раҳбар кадрлар тайёрлаш тенденциясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратилиб, бу тизимда юқорида ишлаб чиқилган мезонларнинг қай даражада амал қилаётгани тадқиқ этилади.

Бошқарув салоҳиятини ривожлантириш тизимининг фаолият хусусиятлари Давлат бошқаруви академиясининг ташкил топгандан 2016 йилгача бўлган даврдаги фаолияти таҳлили асосида ўрганилади. 1995 йилдан 2012 йилгача Академия фаолиятининг ташкилий, дастурий ва назарий жиҳатларини ўрганиш натижасида маълум бўладики, бу даврда раҳбар кадрлар тайёрлаш марказлашган, модернистик ва анъанавий ёндашувлар уйғунлигида, кўмаклашувчи ва айни пайтда, ноиндивидуал ёндашув ва узлуклилик хусусиятлари билан амалга ошириб келинди.

Давлат бошқаруви соҳасига кадрлар тайёрлашнинг иккинчи босқичи 2012 йил 10 апрелдаги «Давлат бошқаруви соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони асосида 2012-2015 йилларни камраб олиб, раҳбар кадрларни тайёрлаш соҳасини ислох қилишнинг хориж тажрибасига эътибор босқичи сифатида гавдаланади. Бунда асосий эътибор бошқарув маданиятининг технологик жиҳатини хориж тажрибасини ўрганиш ҳисобидан бойитишга қаратилди. Мазкур даврда Академиянинг ички фаолиятида яққол намоён бўлган хусусият шу бўлдики, унда соҳалар бўйича мавжуд етакчи илмий-педагог кадрлар таркибини кескин тарзда янгилашга эътибор қаратилди. Натижада, маданият ривожининг ворисийлик принципи бузилиб, бу педагогик мулоқот жараёнларида ҳам ўз аксини топди. Назаримизда, айнан шу туфайли кўп вақт ўтмай, 2015 йилнинг 20 августида «Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди. Бизнингча, бу раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимининг навбатдаги учинчи босқичини бошлаб

берди. Жорий босқичда ҳам хориж тажрибасини ўрганиш ва шу асосда бу йўналишдаги фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган тақлифларни ишлаб чиқиш устувор аҳамиятга эга бўлди.

Биринчи босқичда, асосан раҳбар кадрлар тайёрлаш бош муассасасининг фаолиятини йўлга қўйиш, умумназарий ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий асосларни, давлатнинг стратегик мақсадларини чуқур аниқлашга эътибор берилиб, бошқарувнинг технологик масалаларига, жумладан хорижий мамлакатларнинг тегишли жараёнларни бошқариш тажрибаси ниҳоятда кам ўрганилган бўлса; кейинги босқичда бунга қатъий танқидий ёндашилиб, асосан хориж тажрибасига юзланилди. Ҳатто, бунда олдинги даврнинг ижобий жиҳатларини сақлаб қолишга рағбат пасайиши кузатилиб, кадрлар тайёрлаш жараёнида бошқарув маданиятининг муҳим элементи бўлган мақсад-қадрият омилига етарлича эътибор қаратилмади. Кейинги босқичдаги тайёрлов жараёнлари ана шундай номувофикликни, яъни бир томонлама кетиб қолиш хусусиятларини бартараф этишга ҳаракат қилгани билан ажралиб туради. Аммо раҳбар ва бошқарув ходимларини тайёрлашнинг барча босқичида бошқарув салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг узлукли ташкил этилиши сақланиб қолмоқда.

Амалдаги раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қарашлар ва ғояларда ташкилий жиҳатдан узлуксиз-технологик тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш (вақт, давомийлик), марказлашган тайёрлаш тизимининг мақсадга мувофиқлиги ғоялари (институтлараро алоқадорлик), услубий жиҳатдан инновацион ҳамда мазмунан нимани ўргатишга кўра, тузилмавий-функционал ёндашувлар алоҳида намоён бўлади. Назаримизда, мавжуд ёндашувларни янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи янгича, ҳар томонлама уйғунликка асосланган, методологик жиҳатдан самарали ёндашувни ишлаб чиқиш тақозо этилади. Ана шундай ёндашув ижро ҳокимиятининг кадрларига индивидуал ёндашилган, тузилмавий-функционал вазибаларига мувофиқ доимий тайёрлаб боришнинг алгоритмли технологияси бўлиши мумкин. У индивидуал, тузилмавий-функционал, профессиограмма, инновацион, комплекс мувозанатлашган, таълим-тарбия уйғунлиги ва бошқа тамойиллар асосида тайёрланаётган субъектнинг эҳтиёжларига мувофиқ касбий ўсишини таъминлаб бориш алгоритмини назарда тутди.

Мутахассис олимларнинг тадқиқотлари ва хорижий мамлакатлардаги тажрибалар кўрсатадики, бошқарув салоҳияти мактабгача таълим муассасаларидан, бошқарув қобилияти эса ундан ҳам аввалроқ, оиладан шакллана бошлайди. Шунинг учун раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда ана шу босқичларда амалга оширилаётган чора-тадбирларини белгилаб олиш муҳим стратегик аҳамият касб этади.

Бошқарув салоҳиятини узлуксиз ривожлантириш жараёнида амалдаги таълим-тайёрлов институтлари томонидан ижро ҳокимияти кадрларининг барчаси қамраб олинмаётганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Маҳаллий давлат ҳокимияти кадрлари ўртасида ўтказилган социологик сўровнома натижаларининг кўрсатишича, жойларда назарий тайёрловга ниҳоятда катта

эҳтиёж мавжуд. Хусусан, респондентларнинг 78,2 фоизи бошқарув соҳаси кадрларининг профессионал қиёфаси ва ўсиши учун бирор-бир устознинг шахсий жавобгарлиги ва ғамхўрлиги аниқ белгилаб қўйилган муносабатлар асосидаги маънавий тарбия тизими (устоз-шогирд тизими)ни жорий этишга ижобий қарамокдалар, 49,8 фоизи эса, устоз сифатида «назариётчи мутахассис» ёки «илмий фаолият билан амалиётни бирга олиб бораётган раҳбарларни» белгилашни мақсадга мувофиқ ҳисоблайдилар. Кўринадики, ижро ҳокимияти кадрларида амалиётга қаратилган назарий тайёрловга эҳтиёж мавжуд бўлиб, бунинг тегишли институционал имкониятларини кенгайтириш тақозо этилади.

«Бошқарув маданияти асосини мустаҳкамлашда давлат хизмати кадрлар сиёсатининг ўрни» деб номланган 2-параграфда элемент, тузилма ёки кичик қисмларнинг ривожда умумий ёндашувнинг ўрни, умумийдан жузъий ўтиб бориш диалектикасининг кадрлар сиёсатида намоён бўлиши тадқиқ этилади.

